2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

10 (612)

2008 йил 5 март

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
- Ипаклари тиллодан дўппи тиккан қизгина
- Чашмада янги мактаб, Сентабда эса коллеж...

3
- Эран чавандозга эргашганлар кўп
- Оқ тунукани Тўқлиев "тинчитган"!

4
- Мозерни Матмурод меҳмон қилганди
- Чатоқ ишдан чиққан сабоқ...

саҳифада

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида

Ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, узлуксиз таълим тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, реал иқтисодиётда ва мамлакат ҳаёт фаолияти соҳаларида таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган мутахассисларга бўлган талабни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи «Ёшлар йили» Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

таълим жараёнини унинг узлуксизлиги ва давомийлиги нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш, 9-синф битирувчиларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ёшлардан муносиб равишда фойдаланиш ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлайдиган, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

ишга туширилaдиган умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш ва реконструкция қилиш сифатини ошириш, уларни муҳандислик коммуникацияларига ўз вақтида ҳамда тўлиқ улаш, мебель, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва техникавий таълим воситалари билан жиҳозлаш, таълим соҳасида қабул қилинган давлат умуммиллий дастурларининг сўзсиз ва сифатли бажарилиши юзасидан буюртмачилар ва пудратчиларнинг масъулиятини кучайтириш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш бутун тизими даражаси ҳамда сифатини тубдан ошириш, мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий ўқув муассасаларидаги таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш, педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш;

ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни тугатган ёшларнинг, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлашиши билан боғлиқ масалалар бутун комплексини ҳал этиш;

мусиқа, рассомлик, санъат ва маданият соҳаларида болаларнинг ижодий таланти ва қобилиятларини барвақт аниқлаш ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, мазкур масалалар билан шуғулланувчи жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда шахсларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС, гиёҳвандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший турмуш шароитларини яратиш, уй-жойини ободонлаштириш учун зарур маблағлар ва кредитлар бериш, маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаш чора-тадбирларининг самарали тизимини амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 декабрдаги Ф-2892-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига «Ёшлар йили» Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин.

Республика комиссияси аъзоларидан 2-иловага мувофиқ таркибда «Ёшлар йили» Давлат дастурининг асосий бўлимларини амалга ошириш Кенгаши тузилсин.

3. «Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш Республика комиссияси ва Кенгаши (Ш.М.Мирзиёев):

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича икки ҳафта муддатда «Ёшлар йили» ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласин;

ушбу Дастурнинг бўлимлари ва бандларини тўлиқ бажариш бўйича ишларнинг давлат бошқаруви республика ҳамда ҳудудий органлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари даражасида мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастурга киритилган тадбирларнинг бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича «Ёшлар йили» Давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этиб турсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юкланган ҳолда, Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари «Ёшлар йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари кенг кўламда тушунтирилишини, унинг амалга оширилишини, ёшлар ҳуқуқлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ҳамда реал иқтисодиёт тармоқларида талаб этилаётган аниқ касб-ҳунарни эгаллаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг жамиятда муносиб ўринни эгаллаб, республикани ривожлантиришда ҳал қилувчи куч бўлиб қоладиган, ўз мамлакатининг тўла ҳуқуқли фуқаролари сифатида камол топтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда республика ва маҳаллий бошқарув органлари, жамоат ҳамда ноҳукумат тузилмаларининг аниқ ҳиссаси мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 29 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ;

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2008 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 3 март

"Mahalla" хабарлари

ЭКОЛОГИК ҲАШАР ЎТКАЗИЛДИ

Баҳорнинг илк кунларида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида йигит-қизлар томонидан боғлар, хиёбонлар, ёшлар хиёбонлари барпо этилмоқда. Бу хайрли ишларнинг дебочаси — 1 март куни Ёшлар йилига бағишлаб "Экосан" экология ва саломатлик халқаро ташкилоти томонидан ўтказилган умумреспублика экологик ҳашари бўлди. Мамлакатимизда Наврўз байрами арафасида ўтказиладиган Экология ва саломатлик кунининг биринчи босқичи доирасида ҳашар ўтказиш яхши анъанага айланган.

Ҳашарни ўтказиш бўйича республика штабидан олинган маълумотга кўра, унда қарийб 8 миллион ҳамюртларимиз иштирок этди. Уларнинг бир қисми ўз иш жойларида меҳнат қилди, саноат объектлари тозалаш иншоотларининг техник ҳолатини яхшилаш, таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларида қатнашди. Қолганлари эса ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, кўчалар ва бошқа ҳудудларни тозалаш ҳамда тартибга келтириш билан шуғулланди. Ҳашарда суғориш тизимларини тозалашга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки узоқ вақт давом этган совуқ қишда кўплаб ариқ ва зовурлар ифлосланган эди.

Давоми 2-саҳифада

Андижон вилояти

ҚЎРҒОНТЕПАДА ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Юртбошимизнинг 2006 йилдаги «Тўқимачилик саноатини ривожлантириш тўғрисида»ги Қарорига асосан Қўрғонтепа тумани марказида жойлашган «Само» ҳиссадорлик жамияти негизида Ўзбекистон—Россия—Америка тўқимачилик қўшма корхонаси ташкил этиляпти. Ҳозирга қадар бу ерга Хитой, Германия, Швейцария ва Бельгия каби ривожланган давлатлардан ишлаб чиқариш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар келтирилди.

— Шу кунларда хориждан келтирилаётган техник воситалар чет эллик мутахассислар ёрдамида ўрнатилиб, ишга туширилмоқда, — дейди қўшма корхона раҳбари Маъмуржон Мамадалиев. — Корхона ўз фаолиятини бошлагач, йилига 5200 тонна калава ип ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Маҳсулотнинг 80-90 фоизини хорижга экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида ишга туширилaдиган бу корхонада 500 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланади. Ҳозирда улар корхонага ўрнатилган техника воситалари билан ишлаш сирларини ўзлаштирмоқдалар.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

Бухоро вилояти

«МЕН ЎЗБЕК ҚИЗИМАН»

Вилоят марказидаги муҳташам «Бухоро палас» меҳмонхонасида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан «Мен ўзбек қизиман» деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Танловда туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари қошида ташкил этилган қизлар кенгаши раислари иштирок этишди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» ва «Соғлом авлод» жамғармаларининг вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу танловда иштирокчилар бир нечта шартлар бўйича ўзаро беллашдилар.

Танловнинг якуний натижаларига кўра, ҳакамлар ҳайъати томонидан Когон тумани қизлар кенгашининг раисаси Нафиса Абдуллаева ғолиб деб топилди. Танлов сўнгида ғолиб ва иштирокчилар ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Ҳамроз АЛИ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент педагогика коллежида 1000 нафардан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Ўқув дастурларидан "Миллий либослар тарихи" дарсига ҳам ўрин берилган. Талаба қизлар устозлари Маъпура Усмоновадан юртимизнинг ҳар бир воҳасига хос миллий либослар, дўппилар тикишни ўрганибгина қолмай, либосларнинг яратилиш тарихи билан ҳам танишадилар.

СУРАТДА: *билим даргоҳи талабалари Умида Қаландарова, Гулҳаё Муҳаммадиева ва Мафтуна Акромова ўзлари тиккан миллий либосларда.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

— Яна нима дейсиз?
— Шукр, яна кўкламга етдик...

Спорт

ОҚГУЛ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Ҳиндистоннинг Бангалор шаҳрида Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) томонидан ташкил этилган нуфузли халқаро теннис турнирида дунёнинг энг кучли ракетка усталари қаторида ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда.

Оқгул соврин жамғармаси 600 минг АҚШ доллари бўлган мусобақанинг биринчи босқичида россиялик Ярославла Шведовага қарши кортга чиқиб, 6:3, 3:6, 6:3 ҳисобида зафар қучди ва навбатдаги босқичга йўлланма олди.

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида Ўзбекистон, Болгария, Тожикистон, Арманистон, Финляндия, Кения ва Озарбойжондан келган чарм қўлқоп усталари навбатдаги рейтинг жангларини ўтказди.

ШЕРЗОДНИНГ ЗАФАРИ

Икки йилдан буён профессионал жангларда иштирок этаётган ҳамюртимиз Шерзод Назаров фаолиятидаги ўнинчи жангида ўзига нисбатан анча тажрибали бўлган россиялик Евгений Страусовга қарши рингга кўтарилди.

23 ёшли самарқандлик чарм қўлқоп устаси ўз вақтида Россия чемпионлиги ва қатор халқаро турнирлар ғолиблигига эришган Е.Страусовга қарши жангни кескин ҳужумлар билан бошлади. Ўта кучли зарбага эга Шерзоднинг биринчи ҳужумиёқ самара берди — россиялик боксчи нокдаунга учради.

Ўз мухлислари кўз ўнгида мағлубиятга учрашни истамаган Е.Страусов ҳужумга ўтишга ҳаракат қилди. Лекин Ш.Назаровнинг ҳимоясини ёриб ўта олмади. Аксинча, ҳамюртимиз яна ўнг томондан кучли зарба йўллаб, рақибини қулатди. Учрашувни бошқарган ҳакам ўзбекистонлик спортчининг устунлигини эътироф этиб, техник нокаут билан ғалаба қозонганини маълум қилди.

Ш.Назаров профессионал рингда ўнта учрашув ўтказиб, шулардан саккизтасида ғалаба қозонган, етти жангда рақибларини муддатидан олдин мағлубиятга учратган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни



Истиқлол йилларида Юртбошимизнинг ташаббуси билан юртимиз тарихида ўз фидойи меҳнати ва ижоди билан шарафли ном қолдирган, фан ва маданият, бадиий адабиёт ривожига муносиб ҳисса қўшиб яшаб ўтган атоқли адибларимизнинг хотирасини абадийлаштириш борасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

СЎЗГА ШАЙДО ЭДИ ШОИРА...

2007 йил 13 сентябрда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Бу йил баҳорнинг илк куни — шоира таваллуд топган кунда пойтахтимизнинг марказида Зулфия ҳайкали давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шоир ва ёзувчилар, шоиранинг мухлислари ва фарзандлари, жамоатчилик вакиллари иштирокида тантанали тарзда очилди. Бу ўзбек миллий адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган фидойи, оташқалб шоирамизнинг ёркин хотирасига кўрсатилган юксак эҳтиром ифодасидир. Ушбу эҳтиромнинг яна бир ифодаси шуки, 1999 йил 10 июнда мамлакатимизда Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилиб, кейинги саккиз йил мобайнида адабиёт ва санъат соҳасида изланиб-ижод қилаётган юзлаб иқтидорли қизларимиз ушбу юксак мукофотга сазовор бўлмоқдалар.

«ДЎППИ ТИКДИМ ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН»

Ҳар бир халқнинг либосларида шу халқнинг миллий хусусиятлари, қадриятлари, бадиий ва эстетик дунёқараши, турмуш тарзи маълум маънода ўз аксини топади.

Ўзбек миллий кийимлари орасида дўппи алоҳида қимматга эга. Юксак санъат асари даражасида тайёрланган дўппилар азалдан ўзбек хотин-қизлари томонидан авайлаб кийилган, энг яқин, қадрдон кишиларга ҳурмат рамзи сифатида туҳфа қилинган. Аслида кийган дўпписининг тикилиш услуби, безаклари ва шаклига қараб инсоннинг қайси ҳудуддан эканини дарҳол аниқлаб олиш мумкин. Гарчи ўтган аср ўрталарида дўппига эътибор бироз сусайган бўлса-да, истиқлол туфайли у яна эъзоз топа бошлади.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан» кўрик-танловининг ташкил этилишидан кўзланган асосий мақсад ёш авлодни миллий-маданий, маънавий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни қадимий ва бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни асраб-авайлашга даъват этишдан иборат.

Кўрик-танловда Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика ўрта-махсус ўқув юрти ҳамда Тошкент педагогика коллежининг устоз-шогирдлари иштирок этишди. Унда дўппидўзлик ҳунари билан шуғулланиб келаётган ёш ҳунарманд қизлар ўз истеъдодини намойиш этдилар. Тадбир сўнгида ғолибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Шу билан бирга, танлов ғолиблари ижодий ишлари билан турли кўргазмаларда қатнашиш имконига эга бўлдилар. Бу дўппидўз қизларга ўз маҳоратини янада ошириш учун куч-ғайрат ва рағбат бериши шубҳасиз.

Ш.ЭРГАШЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент шаҳри

ОНАЛАРДАН – РАҒБАТ, БОЛАЛАРДАН – ҲАРАКАТ

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси, айниқса ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Албатта, ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришда оналарнинг зиммасида масъулият катта. Шу боис кейинги йилларда хотин-қизларни спортга жалб этиш масаласи давлат сиёсати даражасидаги устувор ва муҳим вазифалардан бирига айланди.

Хусусан, Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан аёллар ўртасида спортни оммалаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан қўмита ташаббуси асосида мамлакатимиз хотин-қизлари ўртасида спортни ривожлантиришга бағишланган спорт тадбирларини ўтказиш режалаштирилган.

Ушбу тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган "Олимпия шоншуҳрати" музейида "Аёл борки олам мунаввар" шиори остида ташкил этилиб, унда спортнинг турли йўналишлари бўйича юксак муваффақиятларга эришаётган 15 нафар ёш спортчи қизларимиз тақдирланди.

Мирзо Улуғбек туманидаги "Умид" болалар спорт мажмуасида эса республикамиздаги вазирликлар тизимида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар ўртасида спортнинг волейбол, стритбол, стол тенниси, мини футбол, гимнастрада, бадментон турлари бўйича "Аёл ва спорт комисссияси соврини учун" деб номланган спартакиада ўтказилади.

Шунингдек, байрам арафасида республикамизнинг Фарғона, Сурхондарё вилоятларида ҳам шу каби тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган.

Севара ОРИПОВА

Қашқадарё вилояти

«ЭЗГУ СЎЗ»

Қарши шаҳрида Ёшлар йили ҳамда Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган адабий-маърифий тадбир шундай номланди

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, вилоят маънавият-тарғибот маркази ҳамда вилоят «Ижодкор аёллар» уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалардаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раислари, мусаввирлар, ёзувчи ва шоира хотин-қизлар иштирок этди.

Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Машҳура Сафаева ҳамда вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Инобат Каримова ва бошқалар Ёшлар йилида хотин-қизлар қўмиталари олдига қўйилган долзарб вазифалар, аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиган хотин-қизларга қулай шароит, қўшимча имконият ва имтиёзлар яратиб бериш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳақида кенг тўхталиб ўтишди.

Шунингдек, тадбирда ижодкор ва иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, истиқболда бажарилиши лозим бўлган ишлар режаси белгилаб олинди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Тиббиёт фанлари номзоди, шифокор Фароғат Ҳамдамова** (суратда ўнгда) **30 йилдан буён ўз касбини улуғлаб келаётган фидойи инсонлардан бири. У Россия ва Германия давлатларида тажриба орттирган бўлиб, ўз билим ва тажрибасини ёш оилаларда соғлом фарзандлар туғилиши учун қўлламоқда. Ф.Ҳамдамова айни пайтда пойтахтдаги акушерлик ва гинекология институти шифохонасининг етакчи мутахассиси сифатида фаолият юритяпти.

Р.НУРИНБОЕВ олган сурат.

"АТИРГУЛ" ҒОЛИБАЛАРИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Журналист аёллар клуби, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Атиргул" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари Х.Дўстмуҳамедов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди раҳбари Ж.Ҳакимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг манфаатларини таъминлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги мавқеини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Турли соҳаларда меҳнат қилаётган фидойи хотин-қизларни эъзозлашдек эзгу ишлар юртимиз журналистлари ижодида ҳам ўзининг ёркин ифодасини топаётир. Анъанавий «Атиргул» республика кўрик-танлови фаол, фидойи ва изланувчан қалам соҳибаларини аниқлаш, уларнинг илғор ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, янги-янги ижодий марралар сари даъват этиш имконини бермоқда.

Бу йилги танловга ислоҳотлар жараёни, аёлларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, оналик ва болалик муҳофазасини таъминлаш, баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги кенг кўламли ўзгаришлар ёритилган олти юзга яқин ижодий иш келди.

Танлов натижасига кўра, Хоразм вилоятидаги «Муҳофаза» газетаси мухбири Муқаддас Исмоилова, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Тошкент» телерадиоканали «Пойтахт» ахборот дастури муҳаррири Хушноза Маҳмудова, «Туркистон» газетаси мухбири Майсара Назарова, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ахборот-матбуот маркази бош мутахассиси Феруза Орипова, «Водий садоси» радиоси бошловчиси Елена Петрусевич, «Муштум» журнали масъул котиби Азиза Солиҳова, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ахборот маркази бошловчиси Мадина Собирова, «Қарақалпақстан жаслари» газетаси бўлим мудири Гулнора Турдишева, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси катта мухбири Иқбол Қўшшаева танлов ғолиби деб топилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон шахмат федерацияси масъул котиби Шарифа Бердиевани шахмат ишқибозлари яхши билишади. Ўз даврида у хотин-қизлар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор бўлган, ўша даврда дунёда етакчи ҳисобланган кучли шахматчи аёллар билан куч синашган эди.

— Бугунги кунда шахмат ёшларимиз ўртасида йилдан-йил оммавийлашиб бораётган спорт турларидан бири, — дейди Шарифа опа. — Халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этаётган ёш шахматчиларимизнинг муваффақиятларидан қалбим ифтихорга тўлади. Улар бизнинг фарзандларимиз, юртимиз, шахмат спорти келажагидир. Қолаверса, юртимизда ўнлаб шахматга ихтисослашган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Республикамизда 2500 га яқин хотин-қизларнинг шахмат билан мунтазам шуғулланиши ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд, уларнинг кўпчилиги шахмат бўйича турли даражадаги разряд ва унвонларга эгалар.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

ЭКОЛОГИК ҲАШАР ЎТКАЗИЛДИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Ҳашарда барча корхоналар, ташкилотлар жамоалари, умумтаълим муассасалари ўқувчи ва ўқитувчилари, шаҳар ва қишлоқлар маҳаллалари аҳли фаол қатнашди. Масалан, Андижон вилоятида бир миллиондан ортиқ киши иштирок этди. Андижон туманида 5 мингта гул кўчати экилди, узунлиги 8 километрдан ортиқ суғориш тармоғи тозаланди. Бухоро вилоятида ўтказилган ҳашарда 982 та корхона ва ташкилот ходимлари узунлиги қарийб 240 километрлик ариқ ва зовурларни тозалади, 50 минг туп дарахт, 350 мингта гул кўчати ўтказди, 4 минг гектар ерни ободонлаштирди. Жиззах вилоятида шу куни майдони 34 гектарлик Ёшлар боғи барпо этилди. Навоий вилояти Чашма қишлоғи аҳолиси қурилаётган янги мактаб атрофини ободонлаштирди ва кўкаламзорлаштирди, Сентаб қишлоғи аҳли эса коллеж қурилишида иштирок этди. Қашқадарё вилоятида қарийб 630 минг нафар киши суғориш тармоғини тозалади, 717 тонна чиқинди ташиб кетилди. Қарши иқтисодиёт ва политехника коллежлари талабалари Алишер Навоий номидаги шаҳар боғини ободонлаштирди. Ҳашарда Самарқанд ёшлари ҳам фаоллик кўрсатди. Мисол учун, Самарқанд давлат университети ва бошқа олий ўқув юртлари талабалари, шаҳардаги коллеж ва мактаблар ўқувчилари Университет хиёбони, боғлар, театр майдони ва Амир Темур ҳайкали атрофида катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишларини бажарди. Урганчдаги Хонқа кўчаси янги, гўзал қиёфага эга бўлди. Бу ердаги 9-мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари кўча бўйига дарахтлар экди. Республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам ана шундай ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Пойтахтимиз аҳолиси ҳам Наврўз байрамига яхши тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг "Ботаника" илмий-ишлаб чиқариш марказида анъанавий ҳашар ўтказилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, фан, маданият арбоблари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

"Ёшлик" талабалар шаҳарчасида ўтказилган ҳашарда минглаб йигит-қизлар дарахт ва гул кўчатлари ўтказди, атрофни хору хаслардан тозалади, ўқув юртлари ҳудудларини тартибга келтирди.

Ўтказилган умумреспублика экологик ҳашаридан тушган маблағ мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги ёш оилалар, кам таъминланган оилаларнинг мактабда ўқиётган фарзандлари, бола тарбиялаётган ёлғиз ёш оналар, ихтисослашган болалар уйлари ва бошқа ижтимоий объектларга аниқ манзилли ёрдам кўрсатиш учун "Экосан" саломатлик поездларини шакллантиришга йўналтирилади.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Хоразм вилояти

ЭЗГУ ИСТАК ИШИМИЗГА ЭШ БЎЛСИН!

Хоразм воҳасига дунёнинг ҳар бурчидан кўплаб сайёҳлар, зиёратчилар келишади. Табиийки, улар воҳанинг тарихи, удумлари, аҳолисининг яшаш тарзи билан жуда қизиқадилар. Тарихий обидаларимиз, бетакрор санъатимиз ва қўлигул ҳунармандларимиз томонидан ясалган турли буюм ва жиҳозлар сайёҳларни ҳайратга солади. Бинобарин, хорижлик меҳмонларни ҳайратга соладиган яна бир ўзига хос жиҳатимиз ўзбек хотин-қизларининг миллий қадриятларимизга чуқур эҳтироми ва эъзозидир. Сайёҳларнинг «Бу қадим юрт аёлларининг оилапарварлиги, болажонлиги, оиласига садоқати, юртини обод қилишдаги ғайрати, ташаббускорлиги таҳсинга лойиқ», деган таърифларини кўп эшитганман.

Аслида мамлакатимизда ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз томонидан оналар, аёллар учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани бежиз эмас. Аёллари, ёшларига ғамхўрлик кўрсатилган мамлакат равнақ топиши аниқ. Мана, жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан келажак авлоднинг маънан ва жисмонан баркамол бўлиши йўлидаги чора-тадбирлар, хайрли ишлар кўлами янада кенгайтирилмоқда. Юртимизда 1999 йил Юртбошимиз таклифи билан «Аёллар йили» деб, 2001 йил эса «Оналар ва болалар йили» деб номланган эди. Ўша йилларда мамлакатимиз аёлларининг ижтимоий фаоллигини, жамиятдаги янгиланиш жараёнларидаги иштирокини ошириш ва саломатлигини мутаҳкамлаш борасида йўлга қўйилган тадбирлар самараси йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам бу борадаги яна бир ғамхўрлик ифодаси бўлди. Мазкур Фармон асосида вилоятимизда, жумладан бизнинг туманимизда ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хотин-қизларнинг оилада, иш ва ўқиш жойларида, жамоатчилик ўртасида ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иш билан таъминлаш, ёш оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, туғиш ёшидаги аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ташаббускор аёлларни рағбатлантириш ва уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш каби тадбирлар шулар жумласидандир. Бу борада туман меҳнат бўлими, маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари ҳамкорликда ишламоқда.

Ўтган 2007 йил давомида Савдосаноат палатаси ва тижорат банклари орқали 29 нафар хотин-қизга тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун 69 млн. 930 минг сўм миқдорида кредит берилди. Икки марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил қилиниб, 3552 фуқаро, шу жумладан 2010 нафар аёл ишга жойлаштирилди. Айни кунда туманимизда тадбиркорлик фаолиятини муваффақият билан юритаётган аёллар сони 300 нафардан ортди. Фермерлик қилишга бел боғлаган аёлларимиз эса 150 нафарни ташкил этмоқда.

Туман хотин-қизлар қўмитаси, маҳалладошлар якка-ёлғиз, ногирон, моддий мададга муҳтож инсонларнинг тақдирига бефарқ эмас. Дошёқ қишлоғида яшовчи ота-онасидан етим қолган Умид Қодировнинг никоҳ тўйи маҳалладошлар, ҳомийлар кўмагида ўтказилди. 14 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларининг суннат тўйини ҳам бекаму кўст қилиб ўтказдик, ҳар бир тўйбола учун омонат дафтарчаси очилиб, маълум миқдорда маблағ ўтказилди. Уч нафар эгизак — Фотима, Зуҳра, Тоҳиржон дунёга келган Чинобод қишлоғи Пирнахос маҳалласида яшовчи Худойберган Бобожоновлар оиласига учта болалар аравачаси ва бошқа рўзғор анжомлари совға қилинди.

Туманимизда 25 нафар ёши 100 дан ошган табаррук кексаларимиз бор. Байрам ва муҳим саналардагина эмас, балки мунтазам равишда уларнинг хол-аҳволидан хабардор бўлиб турамиз, совға-саломлар билан сийлаймиз.

Туман хотин-қизлар қўмитаси қошида «Ҳуқуқшунос аёл», «Олима аёллар», «Тадбиркор аёл», «Ижодкор аёл» уюшмалари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу уюшмалар томонидан турли соҳа ва касбдаги аёллар учун долзарб мавзуларда давра суҳбатлари, илмий-амалий семинарлар ўтказилиб, бу тадбирлар туманимиз хотин-қизларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳаётнинг турли қийинчиликларига дуч келган хотин-қизларга ҳуқуқий, маънавий кўмак беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Муҳтож» нодавлат жамоат ташкилоти ҳам самарали фаолият юритяпти.

Албатта, бугунги кунда амалга оширилётган ишларимиз кўлами кенг, келгусидаги режаларимиз салмоғи ҳам катта. Фаолиятимиздан кўзлаган энг асосий мақсадимиз ўз меҳнатимиз ва интилишларимиз билан мустақил Ватанимиз равнақига ҳисса қўшиш, фарзандларимизни камолга етказишдир. Ишончим комилки, айни кунда ҳар бир ўзбекистонлик аёлнинг қалбида шундай истак-хоҳиш мавжуд. Бу эзгу истаклар ижобати эса, бизнинг, сизнинг, барчамизнинг бугунги ва эртанги саъй-ҳаракатларимиз самарасига боғлиқ.

Ойбиби АБДУЛЛАЕВА,
Хива тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси.

Бир маҳалла ҳаёти

Наманган вилояти

Беш саданинг соясидаги чойхона

маҳалланинг Пансада деб номланишига асос бўлган

Қўлигул ҳунармандлар юрти бўлган Чуст шаҳри марказидаги Пансада маҳалласи уч юз йилдан зиёд тарихга эга. Бу маҳалла XVIII асрга қадар Кўнчигарон, XIX асрдан бошлаб эса Чармгарон номи билан атаб келинган. Пансада аҳолиси асосан терига ишлов берувчи ҳунармандлардан иборат бўлса-да, темирчилик, дўппидўзлик, пичоқчилик билан ҳам шуғулланган.

Марказий бозор ёнида жойлашган маҳалланинг обод, серсоя дарахтлар қуршовидаги чойхонаю гузарлари азалдан одамлар билан гавжум бўлган. Айниқса, ёзнинг жазирамаси, қишнинг изғиринли кунларида жонга роҳат берувчи бешта сада остидаги чойхоналар кейинчалик маҳалланинг Пансада ("панж" тожикча "беш", яъни "Беш сада") деб номланишига асос бўлган. Пансада бугунги кунда нафақат тумандаги, балки вилоятдаги намунали маҳаллалардан бири. Бунда маҳалла оқсоқоли Орифжон Маъруфжоновнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Маҳалла йиғини раисининг елкасидаги юк ғоят залворли, боиси у маҳалла ҳаётига дахлдор ҳар бир ишга масъул. Буни яхши англаган Орифжон аканинг ташаббуси ва бошчилигида ўтган Ижтимоий ҳимоя йилида маҳалладаги 29 та кам таъминланган оилага ҳомийлар бириктирилиб, уларга йил давомида мунтазам моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, бешта оила қорамолли бўлди. Саховатпеша инсонлар кўмагида бир километрдан ортиқ кўчага асфальт ётқизилиб, 860 метр узунликда тоза ичимлик суви, 540 метр узунликда табиий газ қувури тортилди.

— Йигирма йилдан буён маҳалладага бошман, — дейди Орифжон ака. — Фаол маҳалладошларимизнинг кўплиги, йиғин қошидаги турли масалалар билан шуғулланувчи комиссиялар иши тўғри йўлга қўйилгани туфайли оилавий можароларни ўз вақтида ҳал этиб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга эришяпмиз. Хайрли ишларни амалга оширишда эса ҳомийлар кўмагига суянамиз. Уларнинг беминнат ёрдами билан ЮНЕСКО муҳофазасига олинган Отчопар Эшон масжид-мажмуасини таъмирдан чиқардик. Турли байрамларни ўтказишда, якка-ёлғиз, ногирон ва табаррук ёшдаги кекса фуқаролар ҳолидан хабардор бўлишда ҳам ҳомийларимиз ёрдамларини аяшмайди. Тадбиркор маҳалладошимиз Одилжон Муллажонов кўркам ва замонавий маҳалла гузарини қуриб, ишга туширган. Мана, уч йилдирки, у Наврўз байрами куни ўз ҳисобидан тўкин дастурхон ёзиб, кам таъминланган оила фарзандларининг хатна, ёшларнинг никоҳ тўйларини ўтказиб беришга ҳомийлик қилмоқда.

Маҳалла аҳлининг қувончу ташвишлари билан яшаш йиғин раисидан куч-ғайрат ва сабр-бардош талаб этади. Чунки маҳалла ҳаётига дахлдор бўлишдек масъулиятли вазифа эгасининг на аниқ иш вақти бор, на унга тааллуқли юмушларнинг аниқ чегараси. Унинг заҳматларини эса Орифжон ака сингари дарёдил инсонларгина оғринмай қабул қилиши мумкин.

Маҳмуда ҚОДИРОВА,
"Mahalla" мухбири.

2008 йил – Ёшлар йили

Тошкент ислом университетида ёшлар камолотида маънавий мероснинг аҳамиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ёшлар камолоти ва маънавий мерос

Тадбир мазкур олий таълим даргоҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда Республика байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тошкент ислом университети ректори Р.Абдуллаев, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси А.Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ёш авлодни Ватан тақдири учун масъулиятли чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган шахслар этиб камолга етказишдек эзгу мақсадга хизмат қилаётганини таъкидладилар. Шу мақсадда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ёшларга пухта билим бериш, жаҳон андозалари даражасидаги ўқув масканларини барпо этиш, уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, таълим сифати ва мазмунини янада такомиллаштириш имконини бермоқда.

Ёш авлод онги ва қалбига умрбоқий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, фидойилик, юрт эртаси учун дахлдорлик ҳиссини чуқур сингдириш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг таркибий қисмини ташкил этади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши ёш авлод манфаатларини таъминлаш, йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, жамиятимизнинг етакчи кучига айлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Давра суҳбатида қайд этилганидек, ёш авлодга таълим-тарбия бериш жараёнида мамлакатимизда буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш, ҳар томонлама чуқур ўрганиш, кенг омма, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб ва ташвиқ этиш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилаётир. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент каби қўҳна ва навқирон шаҳарларни янада обод этиш, улардаги ноёб меъморий обидаларни сақлаш, қайта тиклаш, таъмирлаш баробарида мутафаккир бобокалонларимизнинг пок номларини тиклаш, хотирасини эъзозлаш, ибратли фаолияти, бебаҳо маънавий меросини чуқур тадқиқ этишга доир эзгу ишлар шулар жумласидандир.

Ёшларни миллий фазилатларимизга ёт ва зарарли таъсирлардан ҳимоялаш, улар қалбида миллий ва умуминсоний қадриятларга эҳтиром туйғуларини шакллантиришда таълимнинг барча бўғинларида жорий этилган «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фани, юртимиз олимлари, маънавият тарғиботчилари иштирокидаги турли маърифий тадбирлар, илмий анжуманлар, музейлар, муаззам майдонларда ўтказилувчи «Маънавият сабоқлари»нинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Тошкент ислом университетида Ахборот-ресурс маркази, улкан китоб захирасига эга манбалар хазинаси, Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази, компьютер ва лингафон хонаси ёшлар билими, тафаккури ва маънавиятини янада бойитишга хизмат қилмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Олам турфа

МАТОНИ ЁКИ МЎЪЖИЗА?

Европа олимлари йиртилса ҳам, 15 дақиқа ичида яна асл ҳолига қайта оладиган мато ихтиро қилишди. Умумий хусусиятларига кўра у резинага ўхшаш, бироқ кесилгандан сўнг елим ёки бошқа ёпиштирувчи воситаларсиз ўзи қайта бирлашиб кета олиш хусусиятига эга.

Матодаги бундай хусусиятнинг сири унинг тузилишидадир. Агар оддий нейлоннинг толалари йирик молекулалардан иборат бўлса, янги турдаги ушбу эластик матонинг устки қоплами елимли ва майда молекулалардан ташкил топган. Шу боис унинг кесилган ёхуд йиртилган қисми ҳам бир-бирига қайта уланиб кета олади. Бунинг учун матонинг кесилган бўлакларини бир-бирига яқин қўйиш кифоя.

Янги матонинг яна бир хусусияти унинг қайнаётган сувда эриб кетишидир. Лекин меъёрий ҳароратга келгач, у яна бирлашиб, аввалги ҳолатни тиклайди.

Айни пайтда мутахассислар яратилган янги матони қайси соҳада қўллаш юзасидан қатъий тўхтамга келишгани йўқ.

ЎЗИ ТОЗАЛАНАДИГАН МАТО

Хитойлик ва австралиялик бир гуруҳ олимлар томонидан қуёш нурлари таъсирида ўзини ўзи тозалаш хусусиятига эга бўлган мато ишлаб чиқилди.

Лондоннинг "Дейли телеграф" газетасида қайд этилишича, тез орада ана шундай хусусиятли табиий матолар, ипак ва жундан тикилган костюм, кўйлак ва бошқа либослар бутун дунё дўконларининг пештахталаридан жой олар экан.

Ўзи тозаланадиган матоларнинг сири шундаки, уларга нанотехнология асосида махсус кимёвий қоришма суртилади.

Тажриба жараёнида қизил вино тўкиб юборилган костюм 20 соат давомида қуёш нурида тургач, яна аввалги ҳолатига қайтган ва вино доғидан асар ҳам қолмаган.

Мазкур тадқиқот раҳбари, Австралиянинг Виктория шаҳри университети профессори Валид Дауднинг сўзларига қараганда, яқин кунларда ўзи тозаланадиган матолардан кундалик кийимлар тикишда кенг фойдаланила бошлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси

Қадр топган қадриятларимиз

УЛОҚ — ЭРАН ЧАВАНДОЗДА

Маълумки, отлар ҳамиша инсонларнинг содиқ ҳамроҳи деб ҳисоблаб келинган. Шу боис, Гўрўғлининг Ғироти, Алпомишнинг Бойчибори ҳақида қанча-қанча афсоналар тўқилган, учқур тулпорларни мадҳ этувчи шеъру қўшиқлар эса эл оғзидан тушмайди.

Қорақалпоғистонда ҳам йилқичиликни ривожлантириш, хусусан, от спортини оммавийлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ҳақиқий тулпорлар пойгасини уюштириш, улоқ, қиз қувиш каби миллий ўйинларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ана шундай қизиқарли тадбирлардан бири Чимбой туманида ташкил этилди. Дастлаб улоқ ўйинлари бошланди. Унда Тахтакўпир, Қораўзак, Нукус, Кегайли ва Чимбой туманларидан 500 нафардан зиёд чавандоз иштирок этди. Қизғин кечган беллашув натижасида Кегайли туманилик Эран Казбеков бош совринни қўлга киритди. Шундан сўнг 18 километр масофага пойга бошланди. 15 та тулпор иштирок этган мазкур мусобақада «Тўриқ» лақабли от биринчи бўлиб маррага етиб келди.

— Бундай тадбирларни барча туманларда ташкил қилиб, зотдор отларни синовдан ўтказишни режалаштирганмиз, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси От спорти федерацияси президенти Зарофиддин Ризаев. — Бу эса ўз навбатида юртимизда от спортининг оммалашувига мустаҳкам замин яратади.

Асил БЕК,
«Mahalla» мухбири.

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

ПОКИСТОН:

НОБУД БЎЛГАНЛАР СОНИ БЕШ НАФАРГА ЕТДИ

Сешанба куни Покистон жанубидаги Лаҳор шаҳрида содир бўлган бир нечта портлаш оқибатида беш киши оламдан кўз юмган, етти киши жароҳатланган.

Маълумотларга қараганда, дастлаб «денгиз қўшинлари» тайёрлайдиган ҳарбий-денгиз коллежнинг автотураргоҳида турган автомашина портлаган. Воқеа жойига ҳуқуқ-тартибот идоралари, қуролли кучлар ходимлари ва тез ёрдам машиналари етиб келишди. Лаҳор полицияси бошлиғининг сўзларига кўра, ҳалок бўлганлар орасида ёшлар ҳам бўлиши мумкин, деб хабар тарқатмоқда Итар—ТАСС агентлиги.

ЭРОН:

САНКЦИЯ КЕСКИНЛАШТИРИЛДИ

БМТнинг хавфсизлик кенгаши Эронга қарши санкцияларни янада кескинлаштирди. Янги резолюция ўн тўртинчи овоз билан маъқулланди. Бу кейинги икки йил ичида қабул қилинган худди шундай ҳужжатларнинг учинчисидир.



Резолюция бўйича бир қатор Эрон компаниялари ва банкларига тегишли ҳисоб рақамлари «музлатиб» қўйилади. Бундан ташқари, Теҳрон ядровий дастурига алоқадор бўлган мутахассисларнинг чет элга чиқишлари тақиқланади.

Санкция Бушер АЭСининг қурилишида иштирок этган россиялик муҳандисларга жорий этилмайди. Эрон дипломатлари ушбу резолюцияга қарши кескин тарзда норозилик билдирди, дея хабар беради НТВ.

АҚШ:

БЕМАЪНИ ОТИШМАЛАР МАМЛАКАТНИ ЛАРЗАГА СОЛДИ

Кейинги кунларда рўй берган бемаъни воқеалар мамлакат аҳолисини таҳликага солмоқда. Мемфисдаги ўқ «ёмғири» оқибатида олти нафар киши ҳаётдан кўз юмди, уч нафар ёш бола яраланиб касалхонага ётқизилди. Ҳозиргача қотилларнинг қўлга олинганлиги тўғрисида бирор маълумот йўқ.

Дастлаб қандайдир эркак Вест-Палм Бич емакхонасида овқатланаётганларга қарата ўт очган. Оқибатда икки киши ҳалок бўлган, уч киши оғир яраланган. Воқеа жойига полициячилар етиб келгач эса қотил ўз жонига қасд қилган. Яна икки кишига воқеа жойида тиббий ёрдам кўрсатилди. Фожеа сабаблари ҳақидаги маълумотлар сир сақланмоқда. CNN телекомпаниясига полиция лейтенанти Жерри Гуин берган маълумотларга қараганда, яраланганларнинг учови ҳам ёш болалардир. Жиноятчининг шахси аниқланган, у 60 ёшли Эдвард Блейк исмли кимса экан. Унинг уйида ўтказилган тинтув ҳеч қандай натижа бермади.

Хориж матбуоти асосида Баҳром ФОЗИЛОВ тайёрлади.

Йиғин ходимлари учун муҳим ҚЎЛЛАНМА

Фуқаролик жамиятининг ноёб ва бетакрор миллий институти бўлмиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари халқимиз турмуш тарзига, жамиятимиз ҳаётигагина хос миллий демократия мактабидир. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, маҳалла нуфузини кўтариш нафақат ижтимоий, балки сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир.

Бугунги кунда фуқаролар йиғинларининг наинки обрў-эътибори, шу билан бирга ваколатлари ҳамда масъулиятлари кўлами ҳам изчил ортмоқда. Зеро, фуқаролик жамиятини шакллантириш аввало ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ муайян масалаларни ҳал қилиш ваколатини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказа боришни тақозо этади.

Истиқлол йилларида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилгани тизим фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармаси қошидаги Республика "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий маркази ташаббуси билан нашр этилган "Маҳалла: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами" фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий кафолатини таъминлаб берувчи қонунларни ўз ичига олгани билан, айниқса аҳамиятлидир. "Жамоат фондлари тўғрисида" (2003 йил), "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида" (2004), "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида" (2004), "Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида" (2006), "Ҳомийлик тўғрисида" (2007) каби янги қонунлар шулар жумласига киради.

Мазкур тўпламда "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида"ги қонуннинг янги таҳрири (1995), "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонун (1996) сингари 1999 йилда чоп этилган дастлабки тўпламга кирмай қолган айрим қонун ҳужжатлари, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири (2003 ва 2004 йилги тузатишлар билан) ўрин олган. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси, кейинги йилларда Президентимиз томонидан имзоланган ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига бевосита ёки муайян маънода алоқадор бўлган фармон ва қарорлар, Вазирлар Маҳкамасининг маҳалла фаолиятига оид қарорлари билан ушбу қўлланма орқали танишиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, янги тўпламда мужассам этилган назарий ва ҳуқуқий манба "Маҳалла" жамғармаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ҳамда бу борада илмий иш олиб бораётган мутахассислар, кенг жамоатчилик учун фойдали қўлланма бўлиши шубҳасиз.

Холида САИДОВА,
Тошкент Давлат юридик институти аспиранти.

Эй сиз одамлар, эсиз одамлар

Андижон вилояти

Падарнинг нафс қутқуси

фарзандни ҳам жиноятга етаклади

Баъзида «Фалончининг фарзанди жиноят кўчасига кириб, ота-онасига иснод келтирибди», қабилидаги нохуш гаплар қулоғимизга чалиниб қолади. Лекин ота ўз жигарпораси номидан иш олиб бориб, жиноятга қўл урса, фарзандини ҳам қинғир ишларга бошлаб, оиласи шаънига доғ туширса-чи? Унда «алҳазар» дейишдан ўзга сўз тополмаймиз. Балки Маҳмуджон Тўқлиев ҳалол-пок йўл билан пул топиб, ўғлига ибрат кўрсатганида эди, ота-боланинг юзи эл олдида шувит бўлмаган, суд залида бошлари хам бўлмаган бўлармиди?!

Падарининг нафс қутқусига учгани Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи Мухторжон Тўқлиевни ҳам тўғри йўлдан адаштирди. Гап шундаки, бундан уч йил бурун Маҳмуджон ўғлига хусусий корхона очишни «маслаҳат» берди. Дабдурустдан корхона очиб, катта иш бошлаш ўн тўққиз ёшли йигитчани чўчитди. Шунда отаси:

— Сен фақат ҳужжатлардагина раҳбар бўласан, қолган ишларни ўзим юритаман, — деди. Корхонага яхши ният билан «Қаро кўзим» деб ном қўйилди. Гарчи бошқа шахс корхонага бош ҳисобчи сифатида расмийлаштирилган бўлса-да, молиявий масалаларни ҳам «Қора кўзим» хусусий корхонасининг иш юритувчиси бўлган Маҳмуджон ўз қўлига олди. Ишлар ёмон кетмади, корхона келтираётган фойда ортгандан ортиб борди. Маҳмуджон эса бунга қаноат қилмас, амалдаги қонунларга чап бериб, чўнтагини қаппайтиришнинг минг бир усулларини ўйлаб топар, ўзича «Бу ишларим енг ичида, ҳеч ким сезмайди», деб ўйларди. Агар унинг фаолиятига ҳуқуқ-тартибот идоралари чек қўйишмаганда, нафси кундан кун ҳакалак отиб, давлатга янада катта зарар етказиши мумкин эди. Албатта, отасининг барча ишларига «раҳбар», яъни Мухторжон Тўқлиев ўз-ўзидан шерик эди. Бироқ судда у давлат фойдасига мусодара қилиш ва сотиш учун суд ижро ҳужжатлари қабул қилинмаган умумий нархи 47 млн. 959 минг 540 сўмлик товар-моддий бойликларидан камомад борлигидан фақат текшириш кунига келиб хабар топганини айтди.

Афсуски, мўмай даромад бойликка ҳирс қўйган ва катта фойда олдида эсанкираб қоладиган кимсаларни осонгина маҳв этади. Ота-бола вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан 2006 йил ва 2007 йилнинг июль ойига қадар бўлган даврда сақлаш учун баҳоланиб топширилган, лекин давлат даромадига мусодара қилиш ва сотиш ҳақида суд ижро ҳужжатлари қабул қилинмаган умумий қиймати 47 млн. 959 минг 540 сўмлик товарларни қонунга чап бериб сотиб юборганлар. Савдодан тушган пуллар эса корхона ғазнасига кирим қилинмай, банкдаги ҳисоб рақамига топширилмай, ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилинган.

«Тадбиркор» ота-бола жиноий тил бириктириб, вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан корхонага вақтинча сақлаб туриш учун топширилган, «Баҳо сервис» масъулияти чекланган жамияти Андижон филиалининг ҳисоботида ҳар бирининг нархи 11 минг 250 сўмга баҳоланган, жами 3 млн. 858 минг 850 сўмлик оқ тунукаларни ҳам ноқонуний йўл билан сотиб юборишган. Сохталаштирилган ҳужжатлар асосида юк хатини расмийлаштириб, ҳар бир тунуканинг нархини 3500 сўмдан, жами 1 млн. 200 минг 550 сўм деб кўрсатишган.

Очиқ суд мажлисида Маҳмуджон ва Мухторжон Тўқлиевлар томонидан давлатга келтирилган моддий зарарнинг 27 млн. 960 минг сўми қопланганлиги ва қолган қисми ҳам тўланиши эътиборга олиниб, уларга тайинланган жазо енгиллаштирилди. Бироқ бу ота-ўғлининг қилмиши оқланди ёки уларнинг маҳалла-кўй, қариндош-уруғлари олдидаги обрўси тикланди, дегани эмас. Энг ачинарлиси, ота ўз қилмиши билан мустақил ҳаёт остонасида турган фарзандини ҳам жиноят кўчасига бошлади. «Нафсим менинг балодур, ўтдан чўққа солодур», деб шунга айтсалар керак-да!

Шер АЛИ

Жиззах вилояти

Муштарий дил изҳори

Уйимизга ўт кетди, лекин ...юрагимиз ёнмади!

Чунки мурувватли инсонлар дарҳол моддий-маънавий кўмак кўрсатдилар

Мен оилам билан Жиззах туманидаги Хайробод маҳалласида истиқомат қиламан. Инсон ўз бошига қандай ташвиш тушишини олдиндан билолмас экан. Тақдирда бор экан, шу йилнинг 4 январь куни оиламиз бошига оғир мусибат тушди: яшаб турган уй-жойимиз буткул ёниб кетди. Уй жиҳозлари, кийим-кечаклар ҳаммаси ёниб битди, фақат кичкинагина ошхонамизга зиён етмади, холос. Қишнинг қаҳратон-қировли кунларида бошпанасиз қолиш ҳар қандай инсон матонати учун катта синов. «Уйи ёнганнинг юрагигача ўт кетади», деганлари рост экан. Дастлаб карахт бўлиб, нима қилишни ҳам билолмай қолдик, лекин юрагимизга ўт кетмади, яхши инсонлар бунга йўл қўйишмади!

Маҳалламиз аҳли азалдан иноқ-ҳамжиҳат яшашади. Бошимга оғир кунлар тушганда бу ҳамжиҳатлик катта куч эканига яна бир бор иқрор бўлдим. Ҳайробод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мамажон Эрматов бошчилигида маҳалламизнинг каттаю кичиги оиламизга ёрдамга шошилди. Ўктам Уришбоев, Қудратилла ҳамда Эшпўлатжон ва бошқа маҳалладошларимиз катта ёрдам кўрсатдилар.

Бизга моддий-маънавий кўмак кўрсатган Жиззах тумани ҳокимлиги, яна бир нечта ташкилот ва муассасалар, жумладан, Қизил ярим ой жамияти, туман силга қарши кураш диспансери, «Кўҳна Жайҳун соҳили» корхонаси мутасаддилари ва ходимларига ўз миннатдорчилигимни севимли «Mahalla» газетаси саҳифалари орқали изҳор этишни истардим.

Оиламиз қийин аҳволда қолган ўша кунларда юз берган яна бир воқеадан айниқса, қалбим жунбушга келди: Ихтиёр ака Розиқов деган қашқадарёлик ҳамюртимиз иттифоқо йўли тушиб маҳалламиз ҳудудидаги чойхонага кирган экан. Бу ерда одамлардан ёнғин ҳақида эшитгач, «Ўша уйи ёнган кишига бериб қўйинг, бирор корига ярасин», деб 300 минг сўм қолдирибди. Каттадан катта раҳмат, мендан қайтмаса, худодан қайтсин!..

Мана, қалбида хайрли, эзгу ишларга рағбати кучли бўлган яхши инсонлар, меҳр-оқибатли маҳалладошларим кўмаги билан бир ҳафта муддатда иморатимизни тиклаб, томини ёпиб олдик. Кўпчиликнинг рағбати, таскини мени ва оила аъзоларимни тушкун кайфиятдан қутқарди, энг аввало, маънавий далда бўлди. Ахир маҳалламиз бежизга Хайробод деб аталмаган-да. Турмушнинг кам-кўсти битмайди, маблағ воситасида битадиган юмушлар ўз йўлига. Менинг англаганим, дунёда инсонларнинг бир-бирига нисбатан меҳр-мурувватидан қудратлироқ куч, олий неъмат йўқ экан.

Тиркаш ИСКАНДАРОВ

Тарих зарварақлари

ТУРКИСТОН БЎЙЛАБ САФАР

швейцариялик сайёҳ ана шу сафари давомида юртимиз ҳақидаги бой таассуротларини бир китобга жамлаган

Юртимиз қадимдан мўъжизакор табиати, бетакрор иқлими, қадимий шаҳарларидаги меъморий обидалари билан кўплаб сайёҳлар эътиборига сазовор бўлиб келган. Хусусан, XIX асрга келиб ўлкамизда кўплаб европалик сайёҳлар меҳмон бўлганлиги тарихдан яхши маълум. Ана шундай саёҳатчилардан бири швейцариялик тарихчи Генрих Мозердир.

Генрих Мозер 1844 йилнинг 18 майида Петербургда бой хонадонда дунёга келди. Унинг отаси машҳур соатсоз уста бўлиб, Петербург шаҳрида йирик соат созлайдиган дўкон-устахона эгаси эди. Генрих олти ёшида отаси билан Швейцарияга йўл олади ва бошланғич таълимни ўша ерда тугатади. Кейинчалик гимназияни тамомлагач, Женева шаҳрида таҳсил олиб, бакалаврлик унвонига эга бўлади ва шундан сўнг у Швейцария армиясида олий ҳарбий лавозимларда ишлаб, истеъфога чиқади.

Генрих Мозер ёшлигиданоқ Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарлари тарихига оид кўплаб китобларни ўқиб, ўрганиб, ушбу ўлка бўйлаб уюштириладиган сафарга тайёргарлик кўра бошлаган.

Ниҳоят бундан 140 йил муқаддам, яъни 1868 йилнинг охирида 24 ёшли йигит биринчи марта Шарққа — Марказий Осиёга қараб йўл олди. У Тошкентга келгач, ўзбек тилини ва маҳаллий аҳолининг урф-одатларини ўрганади, ўлканинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиқади. Хусусан, шу даврда Тошкент, Бухоро, Хива ва Қўқон шаҳарлари бўйлаб катта қизиқиш билан саёҳат қилади.

Генрих Мозер Тошкентда ипак қурти уруғи ва пилла билан савдо қилувчи италиялик савдогар билан дўстлашиб қолади. У Мозерга савдо-сотиқ сирсиноатларини ўргатади. Генрих италиялик ишбилармон билан ипак қурти уруғини Тошкентдан Италияга жўнатиб, катта фойда ола бошлайди. Мозернинг бу борадаги қилган энг диққатга молик иши шу эдики, у Туркистон ўлкасидаги тутзорлар рўйхатини тузиб чиқади.



Генрих Мозернинг иккинчи бор ўлкамизга қилган саёҳати 1882-1883 йилларга тўғри келади. Жумладан, шу йилда Қўқон шаҳрига келиб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, жумладан, хон ўрдасини ўрганади. Фарғона водийсидаги ипак қурти ва пиллачиликни ривожлантириш ишлари билан танишади. Водий табиати ва манзараси, аҳолисининг урф-одатлари, маданияти ва тарихи билан муфассал танишади. Айниқса у қўқонлик санъаткорларнинг ижодига қойил қолади.

Қўқон сафаридан сўнг Генрих Мозер 1882 йилнинг охирида водийдан катта таассуротлар билан Тошкентга қайтади ва орадан бироз вақт ўтиб, 1883 йили Хивага келади. Генрихнинг хотира дафтарида ушбу қадимий шаҳарга саёҳат таассуротлари билан боғлиқ қуйидаги қайдлар мавжуд:

«Мен, — деб ёзади Генрих Мозер, — шаҳар (Хива)нинг диққатга сазовор жойларини, айниқса, тарихий ёдгорликларини зўр иштиёқ билан томоша қилдим. Хива жуда гўзал шаҳар экан. Кунинг иккинчи ярмида хоннинг вазири Матмуротникига таклиф этилдим. Менинг бу ерга келишимга бағишлаб жуда қизиқарли бўлган миллий томоша уюштирдилар. Бу қўчқор уриштириш мусобақаси эди. Айтишларича, бу ерда ўзига тўқ, бой кишиларнинг уйида йирик қўчқорлар боқилар экан. Бу қўчқорлар жуда шиддаткор ва уришқоқ бўлиб, анча қиммат нархга баҳоланар экан. Ўша куни Урганчдан бу ер (Хива)га бир қўчқорни келтиришибди. Бу қўчқор Матмуротнинг қўчқори билан куч синашиши керак эканини, бироқ жонивор ҳали бирор марта рақибидан енгилмаганини айтишди. Бу жуда мароқли ва ҳаяжонли эди, албатта. Шу сабабдан ҳам томоша ўтказиладиган ҳовлига жуда кенг жой тайёрланди, гиламлар тўшалиб, ўриндиқлар ўрнатилди. Биз учун ажратилган махсус жой — юқори супага чиқиб, курсиларга хон (Муҳаммад Раҳимхон II), Матмурот ва камина (Генрих Мозер) жойлашдик.

Рўпарамиздаги тўсиқ ёнида турган 10 чоғли қўчқор занжирга боғланган бўлишига қарамай, оёқлари билан ерни кавлаб, бир-бирига ташланаман деб туришибди. Кўп ўтмай сабрсизлик билан кутилган қўчқорлар жанги бошланди, томоша ниҳоятда завқли ва таассуротли ўтди...»

Ҳа, сайёҳ Хивадан улкан таассуротлар билан Тошкентга қайтади ва кўп ўтмай Европага жўнаб кетади.

Шундан сўнг Генрих Мозер Марказий Осиё, хусусан, Туркистон ўлкаси бўйлаб қилган саёҳати ҳақидаги таассуротларини газета ва журналларда эълон қилади. Жумладан, унинг Ўрта Осиёга оид жуда қизиқарли очерк ва фотосуратларини 1885 йили Женева газета ва журналлари ўз саҳифаларида чоп этди. Генрих Мозер Ўрта Осиё шаҳарлари, тарихий обидалари, аҳолисининг турмуш тарзини ўз асарлари, мақолалари орқали европаликларга таништирди. Бинобарин, сайёҳ Туркистон ўлкаси бўйлаб қилган саёҳатларидан олган таассуротларини тўплаб, уни суратли ва безакли тарзда, 1885 йилнинг охирида Парижда китоб ҳолида 4 минг нусхада босиб чиқарди. Ҳатто, Генрих Мозер Париж география жамиятида Туркистон ўлкаси шаҳарларига қилган сафари тўғрисида катта илмий маъруза қилгани ҳам тарихдан маълум. Унинг Туркистон сафарида ёзган йўл хотиралари, таассуротлари ҳақидаги мазкур китобига айрим ҳудудларнинг харитаси ҳам илова қилинган эди. Шу сабабли сайёҳнинг китоби тарихчилар ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетди.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Айни кунлар баҳс-мунозарали учрашувларга бой бўлиши кутилмоқда. Ҳафта давомида сизни байрамона кайфият тарк этмайди.

СИГИР(22.04-20.05)

Ушбу ҳафтада моддий томондан етишмовчилик сизни бироз мушкул аҳволга солиб қўйиши мумкин. Вазиятдан чиқиш учун ақл билан иш тутишингиз керак.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Иш фаолиятингизни шахсий ҳаётингиз билан аралаштириб юбормасликка ҳаракат қилинг. Ортиқча жисмоний зўриқиш соғлиғингизга путур етказиши мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Ҳафта мобайнида ўзингизни жамоат жойларида эркин тутишга ҳаракат қилинг. Сизнинг ёрдамингизга муҳтож инсонлардан маслаҳатингизни аяманг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Иш фаолиятингизга тааллуқли фикр-мулоҳазаларингизни раҳбариятга очиқ-ойдин маълум қилинг. Дам олиш кунларини қариндошларингиз даврасида ўтказинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Арзимас гап-сўзларга ишониб, омадингизни қўлдан бой берманг. Ҳар бир ишда фақат олға қадам ташлашга интилинг, шундагина кўзлаган натижаларга эришасиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Ҳафта сиз учун ижодий томондан анча сермаҳсул бўлиши кутилмоқда. Сиздаги ҳушчақчақлик ва очиқ-кўнгиллик атрофингиздагиларга кўтаринки кайфият бағишлайди.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ушбу бурж вакиллари феълини бироз ўзгартиришига тўғри келади. Уларга хос бўлган ўзгарувчанлик салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Бу ҳафтада моддий аҳволингиз анча яхшиланади. Имкониятингиздан фойдаланган ҳолда, қимматбаҳо буюм ва уй жиҳозларини харид қилишингиз мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Шахсий ҳаётингизда сизга омад кулиб боқади. Сиздан фақатгина ортиқча ҳаёлларга берилмай, бу масалани жиддий ҳал қилиш талаб этилади.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Турли хил мавзудаги, ажойиб учрашувлардан олган таассуротлар сизга ўзгача руҳ бағишлайди. Таниш-ларингиз билан ўзаро муносабатда эҳтиёткорроқ бўлинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Муаммоларингизни фақат яқинларингиз кўмагида ҳал қилганингиз маъқул. Бундай вазиятларда ўзбошимчалик билан иш тутиш ярамайди.

“Маҳалладан бошланур Ватан”

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, “Маҳалла” жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан “Маҳалладан бошланур Ватан” республика фотосуратлар кўрик-танлови ўтказилган эди. Кўрик-танлов доирасида Тошкент Фотосуратлар уйида 34 нафар муаллифнинг 96 та фотосуратлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Газетамиз саҳифаларида “Маҳалладан бошланур Ватан” рукни остида мазкур кўргазмада намойиш этилган фотосуратларнинг айримлари муштарийлар эътиборига ҳавола этиб борилади.

Марғилон қизларига адрасу атласлар айниқса ярашади-да!

ВАНШТЕЙН олган сурат.

Кўрик-танлов

Қашқадарё вилояти

ТАШАББУСКОР ТАДБИРКОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

«Ташаббус—2008» республика кўрик-танловининг вилоят босқичида уч авлод вакиллари — яккабоғлик ёш тадбиркор Фарҳод Эшматов, китоблик моҳир ҳунарманд Олим Тўраев ва миришкорлик тажрибали фермер Амир Файзиевлар ғолиб бўлиб, кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш имконига эга бўлдилар.

Тан олиш керак, ана шундай ташаббускор инсонларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимиз, воҳа иқтисодиёти юксалиб, ишбилармонларнинг жамиятдаги мавқеи ва нуфузи тобора ошиб бормоқда. Айни вақтда вилоятда кичик тадбиркорлар сони 74 минг нафардан ортиб, вилоятнинг ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес улуши 47,7 фоизни ташкил этмоқда.

Кўрик-танловда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун яратилаётган имкониятлар эътироф этилиб, кичик бизнес вакилларига истиқболли инновацион лойиҳаларни тайёрлаш, замонавий ахборот технологияларидан кенгроқ фойдаланиш, кредит уюшмалари тузиш ва энергия ресурсларини иқтисод қилиш бўйича қимматли таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

«Энг яхши тадбиркор» йўналишида маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб, экспорт ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхоналар раҳбарлари вилоят босқичи ғолиблари деб топилди. Фермерлар ўртасида эса республикада донғи кетган, чорвачилик-наслчиликни ривожлантириб, гўшт ва сутни қайта ишлаш орқали қишлоқда саноатни тараққий эттираётган «ФАМ» фермер хўжалиги қолганлардан ўзиб кетишга муваффақ бўлди.

«Энг яхши ҳунарманд» йўналишида ёғоч ўймакорлиги устаси, икки марта «Ташаббус» кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритган Олим Тўраев муваффақият қозонди.

«Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг мурувватли тадбиркор», «Энг саховатли фермер», «Энг ёш тадбиркор» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, совринлар ва махсус дипломлар билан тақдирланди.

Гузарда кечган гурунглар

ҲАМДАМ ЧАТОҚ САРТАРОШГА САБОҚ БЕРДИ...

Катта кўчанинг муюлишида яқиндагина иш бошлаган сартарошхонага кирган бир-икки киши сартарошнинг ўзига еттунча муғомбирлигидан нолигандек бўлиб гапирганини Ҳамдамжон ҳам эшитганди. Унинг қизиқ одати бор: муғобирлик, гирромликни кўрса, чидолмайди. Бир йўлини топиб, ҳеч бўлмаса икки оғиз «эгасини топар» гап билан ундай одамларнинг суробини тўгирлаб ҳам қўяди. Шу боисдан уни орқаворотдан «Ҳамдам чатоқ» деб аташади. Бир даврада кимдир яна янги сартарош тўғрисида «Ҳатто тухумдан ҳам тук қириб оламан, дейди-я, зангар» дегач, Ҳамдам чатоқ шаштига эрк берди. «Бир адабини бермасамми, ўша сартарошнинг» дея кафтини кафтига ишқаганча муюлишдаги сартарошхонага йўл олди.

— Ассалому алайкум, келинг, ака, — хуштавозе билан қарши олди уни сартарош.

— Ва-алайкум ас-салом, — Ҳамдамжон виқор билан алик олди, — мана, довруғингизни эшитиб биз ҳам келдик. Менга қаранг, сартарош ука, ҳозир нарх-навони тушуниб бўлмайдиган пайт бўлиб турибди. Шунинг учун олдиндан келишиб олганимиз маъқул. Айтинг-чи, озгина сочимни неча пулга оласиз?

— Ҳа, энди, ака... — дудуқланди сартарош.

— Дангалини айтинг, қанчага оласиз шу бир тутам сочимни? — яна сўради Ҳамдамжон.

— Икки минг сўмга, — деди бироз ўйланиб тургач сартарош.

— Розиман, — дея Ҳамдамжон одам бўйи баробар кўзгу қаршисига қўйилган баланд курсига ўрнашибгина ўтирди.

Сартарош Ҳамдамжоннинг сочини оларкан, емиш еяётган мушукни кўрган қорашақшақдек алланималар ҳақида жаврарди:

— Бир ҳангома айтсам, тобингиз қалай, ака? Шу десангиз бир шифокорнинг ўғли ҳам отасининг этагидан тутиб, шифокор бўлган экан. Кунлардан бир кун шифокор ўғил ишдан уйга хурсанд қайтиб, пенсиядаги шифокор отасининг ҳузурига кириб:

— Сиз беш йилда ҳам даволай олмаган бемор бор эди-ку, ўшани мен бир ойдаёқ даволаб, тойчоқдек кишнатиб юбордим. Қалай, зўрдан зўр чиқибдими, ота?! — дебди. Шунда отаси пинагини бузмай нима дермиш денг:

— Мен ўша беморни бир ҳафтадаёқ оёққа турғазган бўлардим. Агар шундай қилганимда сен галварс беш йил кундалик харажатсиз яшаган бўлардинг-да! Ҳа-ҳаҳ-ҳа... Ҳа, ака, ҳангома зўрмикан-а?

Ҳамдамжон «Ҳа, ука, сазангиз ўлмасин», дегандек мийиғида кулиб қўйди.

— Мана, сочингизни ҳам олиб бўлдим. Атир сепайми? — сўради сартарош.

— Йўқ, раҳмат! — Ҳамдамжон баланд курсидан қўзғалди. Кўзгудаги аксини кузата туриб сартарошга беписандгина гап қотди: — Қани, сартарош ука, энди ақчани узата қолинг.

— Қанақа ақчани айтасиз? — ҳайрон бўлди сартарош.

— Ахир ҳалигина савдони келишдик-ку, сочингизни икки минг сўмга оламан, деб лафз қилдингиз-ку. Ўша икки мингни айтяпман.

— Янглишяпсиз, ака, ўша пулни сиз берасиз, — сартарошнинг жаҳли чиқди-ю, ҳар эҳтимолга қарши мулойим сўзлади.

— Сиз янглишяпсиз, ука, бу ерга кирибоқ «Бир тутам сочимни қанча пулга оласиз?» деб сўрадим. «Икки минг сўм»нинг отини айтдингиз. Мана сочимни ҳам олдирдим. Энди ўша икки мингни тўлайсиз-да. Агар пулингиз бўлмаса, унисини айтинг-да!

Аслида сартарошнинг муғобиргина экани, соч-соқол олдиргани келганларга осмондаги нархни айтиб, хизматни «тижорат»га айлантиргани рост эди. Аммо шу тобда Ҳамдам чатоқнинг айёрлигига ичида тан бериб турса-да, ҳам хизмат кўрсатиб, ҳам мижозга пул тўлашга оғринганидан нима қиларини билмай, ҳайрон турарди. Унинг бу аҳволини кўрган Ҳамдамжон кўзгу олдига қатор терib қўйилган янги русумдаги устаралардан икки қутисини олиб, чўнтагига солди.

— Майли, ука, пулингиз бўлмаса, хижолат чекманг. Эвазига мана бу устаралар ҳам бўлаверади, — деб сартарошхонадан чиқиб кетди...

...Янги сартарошхонадаги бу воқеа бир неча кун давомида маҳалла гузаридаги ҳар гурунгда ҳангома бўлди. Одамларнинг айтишларича, шу воқеадан кейин сартарошхонадаги нарх-наво ҳам анча мўътадиллашиб қолганмиш! Ҳамдамжон бир кун сартарошхона томонга йўли тушиб, ўша кунги хизмат ва устаралар ҳақини сартарошга бериб чиқди...

Одилжон ЖЎРАЕВ

Эътироф

Польша Республикасининг Ченсохова шаҳрида ўтказилган халқаро ёш мусаввирлар кўргазмаси “Менинг тўрт оёқли дўстим” деб номланди.

„МЕНИНГ ТЎРТ ОЁҚЛИ ДЎСТИМ“

Польшада ўтказилган шу номли кўргазмада шаҳрисабзлик ёш мусаввирлар муваффақият қозондилар

Халқаро кинологлар жамияти ҳамда Польша маданият вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган ушбу нуфузли кўргазмада ёш рассомларнинг ҳайвонот олами, итлар ва болалар қизиқишлари мавзуидаги асарлари намойиш этилди.

Шуниси эътиборлики, ижодий иши юқори баҳоланган 15 нафар ёш рассомнинг 6 нафари Шаҳрисабзда фаолият юритаётган Қашқадарё тасвирий ва амалий санъати лицейи ўқувчилари — Хуршид Маллаев, Рустам Эшонқулов, Нурбек Ҳамидов, Озод Амирқулов, Баҳром Норбоев, Азиз Саидовлардир.

Яқинда лицейга Польша Республикасидан ҳар бир совриндор учун диплом, кўргазма каталоглари ҳамда эсдалик совғалари келди. Кўргазма ташкилий қўмитаси раҳбарлари Элжбета Драбев хоним ва Мацей Липец жаноблари ёзган ташаккурномада шундай истеъдодли ёшларни тарбиялаб вояга етказаётган лицей ўқитувчилари ва маъмуриятига чуқур миннатдорчилик билдирилган. Шунингдек, унда кўргазмада саралаб олинган расмлар Австрия, Бельгия, Руминия ва Польшада намойиш этилгани ҳамда Бутундунё зотдор итлар кўргазмаси (FCI)дан жой олиб, томошабинларда катта қизиқиш уйғотгани ҳам алоҳида қайд этилган.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

ЧФ «SALOMATLIK UCHUN» (код ОКПО 16006536) Мирабадского р-на г.Ташкента преобразуется в ООО «ALSTOM-NATIXIS». Правоприемником по всем правам и обязательствам ЧФ «SALOMATLIK UCHUN» является ООО «ALSTOM-NATIXIS». Адрес: г.Ташкент, Мирабадский р-н, ул-Госпитальная, д 10, кв 3. Тел: 304-66-35

Утерянный земельный кадастровый документ номер 2314975629 (реестр № 7-356/2006) выданный 07.09.2006 г. по адресу Юнусабадский р-н, ул.А.Кодирий, Ц-4, дом 28, кв 14 на имя Исмаджанова М.У. считать недействительным.

Согласно протокола общего собрания от 02.03.2008 г. ООО «KREDO GROUP» (ИНН 206947006) сообщает об уменьшении Уставного фонда с 65 205 000 (шестдесять пять миллионов двести пять тысяч) сум до 1000000 (один миллион) сум.

ООО «ТашОР Техсервис» (код ОКПО 18191791) Хамзинского р-на г.Ташкента сообщает о намерении приобрести 47% акций ОАО СувМаш. Тел: 283-10-59

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:

Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) **Мавлуда ҚОСИМОВА,** (масъул котиб) **Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.**

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — **236-53-93**
Тел/Факс: — **233-44-25**
Масъул котиб: **236-53-75**
Котибият — **236-55-69**
Хатлар бўлими: **236-57-62**

2008 йил 5 март
10 (612)

20250 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-220 **Топширилди — 22.35**
1 2 3 4 5 6